

Мобил ва Интернет-банкнинг: Ўзбекистонда унинг фойдаланувчилари қанча?

Мамлакатимизда электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилган. "Электрон тўловлар тўғрисида"ги ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижроси юзасидан қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, банк ва молия муассасалари интернет ва мобил алоқа воситалари орқали ўз мижозларига масофадан туриб электрон тўловлар, "Интернет-банкнинг", "Мобил-банкнинг" каби интерактив банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

JISMONIY SHAKSLAR UCHUN
INTERNET - BANKING
ДЛЯ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ




5-бет

Сўнги янгилик!

Генуядаги Италия Технология институти муҳандислари сувга чидамли қоғоз ишлаб чиқишди. Махсус нанотехнология жараёнида ишлов берилиши натижасида янги қоғоз тури магнит ва антибактериал хусусиятларга эга бўлади, эътиборли жихати, қоғознинг асосий хусусиятларини ўзгартириш талаб этилмайди.

"Янги хусусиятларига қарамай, бу қоғозга оддий ручкада ёзиш, уни қайта ишлаш мумкин", — дейди лойиҳа муаллифларидан бири, доктор Роберто Чинголани.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

Рақамли телевидение: янги имкониятлар сари	2
Меҳнат муҳофазаси долзарб масала	3
Прогнозирование атмосферного давления воздуха на основе гравитационных сил	6
Биз — бир жамоа, биз — бир оила	11
Янги умидлар баҳори	15
Анъанавий китобхонлик эскирдими?	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Jumadan umagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги ҳамда "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонлари эълон қилинди.

Сардоба туманида Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб этиш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Гулистон Давлат университети ҳамда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу анжуманда талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Қонунилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ўтказган йиғилишида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Наманган ва Жиззах вилоятларида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари қўриб чиқилди.

"SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари" уюшмасининг пойтахтимиздаги филиалида "Оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар камоли" мавзудаги навбатдаги лойиҳанинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳамкорлик ва институционал ривожланиш дастури (IBPP) доирасида Европа иттифоқи томонидан молияланишган ушбу лойиҳа ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳамда болаларнинг ижтимоий-иқтисодий макomini ошириш, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатадиган давлат ва нодавлат ташкилотлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилган янги "Электр ҳисоб" дастурий мажмуаси Наманган вилоятида илк бора жорий этила бошланди. Яқин кунлар ичида вилоятдаги барча электр энергияси истеъмолчилари билан муносабатлар тўла янги электрон ҳисоб-китоб дастурига ўтказилади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонасида тантанали кеча бўлиб ўтди. Япониянинг "JOMO" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган маъмур тадбирда Кунчиқар мамлакат парламенти аъзолари, Гунма префектурасининг эксперт-таҳлил, жамоатчилик ва ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Рақамли телевидение: Янги имкониятлар сари

Сўнги пайтларда ушбу жумла тез-тез тилга олинмоқда. Бу бежиз эмас. Рақамли телевидениенинг имкониятлари жуда кенг. Уйда радиотўқинли спектрни самарали қўллаш ва кўпдастурли телевизион кўрсатувларни узатиш, интерактив хизматларни жорий этиб, юқори сифатли телевизион видеотасвирларни бериб бориш имкони бор.

Бугунги кунда рақамли телевидение Тошкент шаҳри ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида режа асосида ва босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятларининг аксарият ҳудудларида ва Қорақалпоғистон Республикасида истикомат қилувчи ҳар бир фуқаро замонавий телевизор ёки рақамли тюнерни харид қилган ҳолда, юқори сифатли тасвирдаги теледастурларни бемалол томоша қилиш имконига эга. Шундай қилиб, ҳозирда рақамли телевидение республиканинг 37,5 фоиз аҳолисини қамраб олган.

Рақамли телевидение тармоғи абонентлари билан самарали иш олиб бориш мақсадида "UZDIGITAL TV" МЧЖ фаолият олиб борапти. Ушбу корхона тариф сиёсатини ишлаб чиқиш, ускуналарни етказиб бериш ва мижозларга рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш билан шуғулланади.


"UZDIGITAL TV" МЧЖнинг интернетдаги расмий сайтида (uzdtv.uz) персонал кабинет мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида абонентлар хизматлар қўламини ҳамда шахсий ҳисоб рақами ҳолати тўғрисида ахборот олиши мумкин. Шунингдек, яқиндан бошлаб интернет тармоғи фойдаланувчилари ушбу персонал кабинет орқали ўз хизматларини бошқариш имконига эга бўлдилар.

Шу жумладан, 2012 йилдан эътиборан тўловларни қабул қилишга мўлжалланган SMS-TO'LOV тизимидан фойдаланиш юзасидан иш олиб бориляпти. Бу, ўз навбатида, рақамли ТВ абонентларига мобил телефонларидан SMS хабарларини жўнатиш орқали шахсий ҳисоб рақамларини тўлдириш имконини берди.

Ушбу хизмат доирасини кенгайтириш мақсадида қуйидаги бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- SMS хабарлари орқали тариф режаси, ҳисоб рақамидаги қолдиқ ва тўловнинг тугаётганлиги ҳақида огоҳлантириш учун SMS сервисларини киритиш бўйича;

- хизматлар, ҳисоб рақами ҳолати ҳақида абонентларга маълумот берадиган ва товшу менюси орқали хизматларни бошқаришга қўмаклашадиган "автоинформатор" тизимини ўрнатиш бўйича.




Бундан ташқари, эфирга узатиладиган ва узатиладиган кўрсатувлар ҳақидаги тюнер менюсидаги маълумотлар ва кўрсатувлар дастурини ўзичига қамраб олувчи рақамли телевидениенинг қўшимча хизмати — "Телегид"ни ишга тушириш ҳам режалаштирилган.

Рақамли телетехнологиялар дастур яратувчилари ва телетомошабинлар ўртасидаги бевосита жонли мулоқот воситасига айланиб, нафақат ахборот қабул қилишга, балки унинг шаклланиши, юқори сифатли телевидение трансляцияси, маълумотларни узатиш мақсадида теледастурлардан фойдаланиш ҳамда телетомошабинларга қулай вақтда, стационар ва мобил ҳолатда дастурларни томоша қилиш учун имкон яради.

Санжар РАҲМОНОВ

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси 2012 йил 13 апрелдан бошлаб, провайдерлар учун интернет-хизматларига (ташки канал) тарифлар нархи 1 Мбит/с. учун \$475гача туширилганини маълум қилди.

Провайдерлар учун интернет-хизматларига тарифлар яна арзонлашди



Эслатиб ўтамиз, 2011 йил мобайнида тарифлар нархи тўққиз маротаба туширилган.

2011 йил бошига қадар, 1 Мбит/с. учун нархлар \$849 гача туширилди, 10 декабрдан \$529гача пасайтирилди.

2012 йилнинг ўзида нархлар учинчи марта туширилмоқда. 20 январдан 1 Мбит/с. учун \$500, 2 февралдан \$495 ва 13 апрелдан \$475гача арзонлаштирилди.

Кейинги икки йил мобайнида тарифлар \$1510дан \$475гача туширилди, амалдаги тарифлар аввалгига нисбатан уч мартадан кўпроқ арзонлашди.

Медиа-конференция

Мирзо Уллубек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде талабаларнинг анъанавий III медиа-конференцияси бўлиб ўтди.

Ахборот технологияларининг журналистика соҳасидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган маъмур анжуман Ўзбекистон Миллий университети томонидан "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Саркор Телеком" интернет провайдер, "UZINFOCOM" маркази, Республика Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Медиа-конференцияда ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда, мобил алоқа, интернет каби замонавий воситалардан фойдаланувчилар сафи тобора кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча бўғиндаги ўқув муассасалари, ахборот-ресурс марказлари "ЗиНЕТ" жамоат таълим ахборот тармоғига уланди. Олий ва ўрта махсус таълим тизимида оптик толали юқори тезликдаги "Миллий электрон таълим тармоғини қуриш" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Илғор ахборот-коммуникация технологиялари интернет-журналистиканинг ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда. Бугунги кунда юртимиздаги аксарият босма нашрлар ўзининг веб-сайтига эга экани ва улар мунтазам янгилаб борилаётгани, оммавий ахборот воситаси мақомига эга қўйлаб интернет-нашрлар фаолият юритаётгани шундан далolatдор.

Аммо интернет тармоғида миллий манфаатларимиз, маънавийтимизга зид маълумотлар ҳам борки, бу ёшларда ушбу тармоқдан тўғри ва оқилона фойдаланиш қўнқимасини шакллантириш, сайтларни ёшлар учун фойдала, ранг-баранг ва қизиқарли маълумотлар билан бойитиш, сифат ва мазмун жиҳатдан доимий янгилаб боришни талаб этмоқда.

Медиа-конференцияда интернет-журналистиканинг истиқболларига доир маърузалар муҳокама этилди. Энг яхши талабалар сайти, энг яхши роғ, энг яхши блог, фаол ташкилотчи-талаба каби йигирмага яқин номинация бўйича голибларга сертификат ва совғалар топширилди.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳар йили иш жойларида рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар туфайли бутун дунё бўйича икки миллион киши ҳалок бўлар экан. Касб касалликларидан эса ҳар йили салкам 160 миллион киши азият чекапти. ХМТ томонидан 28 апрел кунининг Умумжаҳон меҳнат муҳофазаси куни деб эълон қилинганлиги бежизга эмас. Мана, 23 йилдирки, бу сана кенг нишонланиб келинапти.

Меҳнат муҳофазаси долзарб масала

"Ўзбектелеком" АКнинг Бухоро филиалида Халқаро меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ўтказилган семинар-тренинг бунга аниқ мисол бўла олади. Филиалнинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари бошлиқлари, етакчи муҳандислари, касба уюшмаси кўмиталари раислари, техника хавфсизлиги муҳандислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирни филиал директори Абдурахмон Шобоев кириш сўзи билан очди.

Семинар-тренинг катнашчилари дастлаб филиал директорининг ўринбосари Исोक Исмоиловнинг "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалида ўтган давр ичида меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилган ишлар ва устувор вазибалар тўғрисида"ги маърузасини тингладилар.

Таъкидландики, филиал ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида меҳнат муҳофазасига оид бир қатор тадбирлар, жумладан, ишчи-ҳодимларни белгиланган режа асосида ўқитиш ва уларнинг билимларини синовдан ўтказиш, иш жойларида хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, зарарли шaroитларда ишлайдиган ҳодимларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш, ишловчиларга махсус кийим-бош ажратиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар тузилиб, улар изчил амалга ошириб келинмоқда. Ана шу мақсадлар учун биргина ўтган 2011 йилда жами 80 миллион 806 минг сўм сарфланганлиги ҳам мазкур йўналишдаги ишлар маъмурият ва касба уюшмаси кўмитасининг доимий эътиборида эканлиги самарасидир. Ўтган йил давомида алоқа линияларида 250га яқин хавфли кесилма баргараф этилиб, ишчи-ҳодимларга хавфсиз меҳнат шaroити яратилганлигини ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз.

Семинар-тренинг тингловчиларига, шунингдек, алоқа корхоналари-

да ишловчи ходимлар бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилинганлиги, ишловчилар шахсий химоя воситаларига эга эканлиги, бундай воситалар ўз муддатига синовдан ўтказилганлиги, бундан ташқари, филиал ва унинг телекоммуникациялар боғламаларида меҳнатни муҳофаза қилиш устидан уч босқичли маъмурий-жамоа назорати олиб борилаётганлиги маълум қилинди. Жорий йилда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғиндан сақлаш тадбирлари учун жами 80432 минг сўм маблағ ажратилганлиги ҳам бу борадаги ишларда бундан кейин ҳам қутилган натижалар қўлга кирити-

Тадбирнинг интер-фаол усулда — интернет материаллари ҳамда замонавий компютер имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги унинг мазмун-моҳиятини янада оширди.

лишини кўрсатиб турибди.

Тадбир иштирокчилари яна бир муҳим масала — "Бухоро вилоятида ишлаб чиқаришда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар ва уларнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида"ги маърузани ҳам тингладилар. Бу ҳақда Меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шaroитлари экспертизаси давлат инспекцияси бошлиғи Бурхон Фаёзов сўз юритди. У мазкур инспекция томонидан ўтказилган текширишлар натижасида

биргина жорий йилнинг биринчи чораги давомида вилоятнинг бир қатор корхона ва ташкилотларида меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя қилиш доирасида 364та хато ва камчилик аниқланганлигини, уларни бартараф этиш учун 35та ёзма кўрсатмалар берилганлигини, Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни талабларига риоя қилмаган 45 нафар мансабдор шахста нисбатан маъмурий чоралар қўрилганлигини тилга олиб ўтди. Техника хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва инсон ҳаётига хавф солувчи 62та дастгоҳнинг иши вақтинчалик тўхта-тиб қўйилганлигини таъкидлади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилинган ҳолда иш олиб борилиши ишлаб чиқаришда келиб чиқиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар олдини олишнинг муҳим шarti ва омили эканлигини уқтирди.

Тадбир иштирокчилари ҳузурда сўз олган Вилоят касба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Мастура Саидова касба уюшма тизимидаги корхона ва ташкилотлар ўртасида меҳнат муҳофазаси бўйича эълон қилинган кўрик-танловлар ва ойлари давомида ушбу йўналишдаги пешқадам меҳнат жамоалари аниқлаб келинаётганлигини, бундай муҳим тадбирларда барча тармок касба уюшмалари фаол иштирок этишлари зарурлигини айтиб ўтди.

Ушбу тадбирнинг интерфаол усулда — интернет материаллари ҳамда замонавий компютер имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги унинг мазмун-моҳиятини янада оширди.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири

2012-YIL —
MUSTANKAM OILA YILI

Намунали оила

Мустаҳкам оила йилида оилаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ёш оилаларда оиллага нисбатан масъулият ҳиссини янада ошириш мақсадида Наманган вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси, Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамда "ALSKOM" суғурта компанияси билан ҳамкорликда "Намунали оила" кўрик-танлови ўтказилди.

Шаҳар ва туманлардан келган бир неча оилалар ўз тадбиркорлик фаолиятлари билан тайёрлаган маҳсулотларини кўрик-танловда намойиш этдилар. Мазкур танлов иштирокчилари учта йўналиш — "Энг намунали тадбиркор оила", "Энг намунали хунарманд оила" ва "Энг намунали томоркадан унумли фойдаланадиган оила" номинациялари бўйича беллашилди.

Кўрик-танловда Чуст туманидан Р. Исмагуллаевлар оиласи, Наманган шаҳридан М. Мамажоновна, М. Азизова, Х. Болтабоева, О. Отабоева, Ш. Тожибаевлар оилалари турли номинациялар бўйича "Намунали оила" деб топилдилар.

Кўрик-танлов иштирокчиларини тақдирлаш маросими давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган яна бир қатор оилалар ҳам мукофотландилар.

Турли номинациялар бўйича фаол иштирок этган "Энг намунали оила" соҳиблари вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда "ALSKOM" суғурта компанияси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Аъзамжон СУЛТОНОВ,
"ALSKOM" суғурта компанияси
Наманган филиали директори

Реал юк — виртуал ҳужжат

Ўтган йилда мамлакатимиз бўйлаб кенг қамровда ва изчил амалга оширилган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури" доирасида биргина божхона соҳасида божхона назорати ва расмийлаштирувни янада такомиллаштириш ва шаффолаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун имтиёзлар ва қулайликлар жорий этиш мақсадида бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди. Энг муҳими, бунда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги "Экспорт операцияларини "бир дарча" тамойили бўйича амалга ошириш механизминини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 305-қарори бюрократик тўсиқларни бартараф

этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш ҳамда экспорт операцияларини амалга ошириш механизминини янада соддалаштириш имконини бермоқда. Қарорга мувофиқ, божхона хизматлари органларида контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва божхонада расмийлаштириш бўйича барча амалиётларни "бир дарча" тамойили асосида амалга ошириш йўлга қўйилмоқда.

Одатда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари экспорт-импорт операцияларини амалга оширишларида, яъни ташқи савдо шартномасини тузишдан бошлаб, товарларни жўнатунга ёки қабул қилгунга қадар тегишли рухсатномалар олиш учун бир нечта давлат органларига мурожаат қилишлари ва ҳар бир идора учун алоҳида ҳужжатлар тўпламинини тайёрлаб тақдим этишлари тўғрисида келади. Бу эса, ўз навбатида,

тадбиркорнинг кўп вақт сарфлашига ҳамда харажатларнинг ортишига сабаб бўлади. Оқибатда бу экспорт ёки импорт қилинаётган товарлар нархининг ўсишига, ташқи бозорда эса Ўзбекистон товарлари рақобатбардошлигининг пасайишига ўз таъсирини ўтказди.

"Бир дарча" механизми эса тадбиркорга замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органлари томонидан ташкил этилган ягона ахборот тизими орқали барча тегишли давлат органлари ва идораларига рухсатномалар олиш учун виртуал тарзда мурожаат қилиш ва уларни олиш имкониятини беради. Шу билан бирга, давлат органлари ўртасида электрон маълумотлар алмашишни йўлга қўйилиши натижасида ташқи иқтисодий фаолиятни улар фаолиятига аралашмаган ҳолда тахлил қилиб бориш имконияти кенгайди.

2011 йил 1 ноябрдан бошлаб божхона юк декларацияларининг электрон рақамли имзо билан тасдиқланган элек-

трон нусхасини тақдим этиш тартиби жорий қилинди. Электрон декларациялаш тартиби "реал юк — виртуал ҳужжат" тамойилига асосланади. Таъкидлаш жоизки, электрон декларациялаш тизими бир неча йилдан буён божхона органлари фаолиятига босқичма-босқич тарзда жорий этиб келинмоқда. Жумладан, 2007 йилдан бошлаб соҳада божхона юк декларациялари маълумотларига ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизими фаолият юритиб келмоқда. Мазкур тизим маълумотларининг форматли ва мантқий назоратини амалга ошириб, божхона расмийлаштирув бўйича мутахассисларнинг байрихтиёр хатолари олдини олиш имконини беради ҳамда божхона тўловлари тўғрисидаги божхона расмийлаштирув бўйича мутахассислар учун ҳам, божхона инспекторлари учун ҳам қулай дастақдир.

Xalqaro hayot



RATA-TASS agentligi xabar bеришича, Бразилия дорихоналарида сотилаётган препаратларнинг ўттиз фоизи истеъмолга яроқсиз эканлиги аниқланган. Шифокорларнинг сўзларига кўра, кўпчилик дори ва витаминларнинг таркибига кўрғошин моддаси mavjud.

Маълумотларга қараганда, болаларга мўлжалланган витаминларга меъридан ортиқ А, V2 ва RR витаминлари ҳамда рух моддаси қўшилган. Маъмур сифатсиз препаратларни истеъмол қилган болаларда камқонлик, кўриш қобилиятининг сусайиши ва жигар хасталиклари аниқланган.

ЮНИСЕФ сўнгги 20 йил ичида дунё бўйича беш ёшгача бўлган болалар ўлими сезиларли камайганлигини маълум қилган. Яъни, 1990 йилдаги ҳолат билан таққослаганда ҳозирга келиб бу ёшдаги болалар ўлими тўрт миллионгага камайган.

ЮНИСЕФ ҳамда Save the Children ("Болаларни асраш") ташкилоти ўтказган тадқиқотда аниқланишича, сўнгги йилларда болаларнинг овқатланиши яхшилانган ва уларнинг мактабга бориш имконияти ортган. Бу борадаги сезиларли ўзгаришлар, айниқса, Бангладеш, Бразилия ва Вьетнамда қайд этилган. Маълумотда бундай ижобий ўзгаришлар ривожланаётган давлатларга ёрдам, иқтисодий ўсиш ва болаларга нисбатан давлат сиёсатининг яхшиланиши самараси эканлиги қайд этилган.

АРХЕОЛОГЛАР Миср ғорларининг биридан узум шарбати тайёрлашда фойдаланилган қадимий дастгоҳни топдилар.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, милотдан тўрт минг йил аввал ишлатилган маъмур қурилма узум ачитқиси сақланувчи хум, узум ширасини сиқиб олувчи дастгоҳдан иборат. Шунингдек, маъмур бордан ёши 5,5 минг йиллик қичитки ўтдан тўқилган кийим-кечак, заргарлик буюмлари ҳам топилган.

АВСТРАЛИЯ ҳарбийлари шу йилдаёқ Афғонистонни тарқ этишни бошлади — 1550 нафар австралиялик ҳарбийларнинг бари 2013 йил охиригача уйларига қайтди. Аввалроқ эса бу режа 2014 йилга мўлжалланган эди.

Мамлакат бош вазири Жулия Гиллард ҳарбийларнинг Афғонистондан олиб қилиниши 21 майда Чикагода бўлиб ўтадиган НАТО саммитида муҳокама қилинишини билдирган. Таъкидлаш жоизки, Австралия ушбу ташкилотнинг аъзоси бўлмаса-да, унинг энг яқин ҳамкорларидан ҳисобланади.

Тахминларга кўра, оз сонли австралиялик ҳарбийлар Афғонистонда қолади ва маҳаллий мутахассислар малакасини оширишда қатнашади. Бундан ташқари, 2014 йилдан кейин ҳам Австралия Афғонистондаги ҳарбий амалиётларни моддий жиҳатдан қўллаб туради.

Эслатиб ўтамиз, 2001 йилдан бери афғон заминда австралиялик 32 нафар ҳарбий ҳалок бўлган.

БУЮК БРИТАНИЯ

мактабларидаги ошхоналарда ўқувчилар учун егулик ҳақини тўлашнинг янги усули жорий қилинди. Энди болалар пул ўрнига махсус аппаратда бармоқ изларини қолдиради. Шу тариқа ўқувчининг банкдаги ҳисобидан пул ечиб олинади.

Мутахассисларнинг айтишича, бундай ноанъанавий тўлов усули ўқувчилар учун жуда қулай. Энди улар орасида нақд пул ва овқатланиш талонларининг йўқолиши ва ўғирланиши каби ҳолатлар камайд. Тўловнинг бундай усули мамлакатнинг барча ўқув муассасаларида жорий қилиниши режалаштирилмоқда.



Португалия: Янги асрда янги солиқлар

Португалия қонуншунослари мамлакат қонунчилигини XXI аср талабларига меъёрлаштириб, давлат газнасини янги солиқлар ҳисобига тўлдиришмоқчи. Хусусан, ўтган ҳафтада мамлакат парламенти рақамли ахборотни сақлаш қурилмаларига солиқ солишни муҳокама қилди.

Маъмур қонун ташаббускорлари — парламентда озчиликни ташкил этувчи социалистлар бу ташаббус муаллифлик ҳуқуқларини химоялаш тўғрисидаги амалдаги қонунга қўшимча эканлигини айтишди. Ўз навбатида, муҳолиф томон мамлакатдаги қаттиқ дисклар савдоси бундан жиддий зиён кўриши бора-сида хавотир билдирган.

Португал социалистларининг тақлифига кўра, маълумотлар сақланганидан дискетлар ҳар бир гигабайт учун 0,02 евро кўринишидаги солиққа тортилиши керак. Бир терабайтлик сақлагичлар учун солиқ миқдори эса 21 еврони ташкил этиши кўзда тутилган. Ташқи қаттиқ дисклар ёки "мултимедиа дисклари"ни бундан-да юқорилик солиққа тортиш тақлиф этиляпти. Назарий жиҳатдан 2 терабайтлик мултимедиа дискни сотиб олишда унга қўйилган солиқ 103,2 еврога етади. Янги солиқ сиёсати қаршилар-

нинг назарида қаттиқ дисклар бозорида нархлар киммат шароитда ушбу қонуннинг кучга кириши оқибатида португал истеъмолчилари бу маҳсулотларни кўриши Испаниядан харид қилишга мажбур бўлишади.

Социалистлар 150 гигабайтдан кам сифимли сақлагичларга бу солиқ дахл қилмаслигини тақлиф этишган, аммо, маълумки, замонавий қаттиқ дисклар 160 гигабайтдан кам бўлмайди, шу боис солиқ имтиёзига айрим SSD-сақлагичларгина илминиши мумкин.

USB-сақлагичлар ва хотира карта-ларини ҳар бир гигабайти учун 6 центлик солиққа тортиш белгиланган. Энг юқори солиқ смартфонларнинг ўрнатилган хотираси учун — гигабайти 50 цент. Ўз-ўзидан, мисол учун, 64 гигабайт хотирали смартфон баҳоси яна 32 еврога кимматлашади.

Янги қонун фотонусха олувчи ва кўп функцияли қурилмаларни ҳам четлаб ўтмайди. Бунда солиқ қурилманинг саҳифалардан қанча тезликда нусха олишига қараб белгиланади. Масалан, бир дақиқада 70 саҳифани нусхаловчи қурилма нархи 227 еврога кимматлашади.

Бунгача мамлакатда DVD ва CD дисклар учун солиқ кучга кирган бўлиб, ҳар бир дискдан 3 центдан давлат ҳисобига чегирилиб қолинаётганди.

AT-хабарлар



Финляндиянинг Nokia компанияси ўз тарихидаги энг арзон телефон аппарати тақдимотини ўтказди. Янги "Nokia 103"нинг нархи — 16 евро ёки 21 АҚШ долларига тенг. Бу телефонни ривожланаётган мамлакатлар, хусусан, Хиндистон, Нигерия бозорларида сотиб олиш мумкин.

Аппаратнинг техник хусусиятлари жуда оддий: кўнғирок қилиш, SMS йўллаш мумкин, 500тагача манзилли сақловчи телефон китобчаси, будилниги, тақвими бор, холос. Аммо шунингдек борки, телефоннинг заряди қутиш тартибидеа деярли бир ой, сўзлашганда 11 соатгача етади. Бу электр энергияси муаммоли худудлар учун жуда ҳам долзарбдир.



Ватикан расмий кутубхонаси ва Оксфорд университетининг Бодлеан кутубхонаси фонди 4 йиллик лойиҳани амалга оширишга киришди.

Лойиҳа доирасида маъмур кутубхоналарда сақланаётган энг қимматбаҳо фондлар рақамлаштирилади. Ишлов берилиши қутилаётган аксарият қўлёзмалар ўрта асрлар лотин, қадими юнон ва яҳудий тилларида битилган.

Рақамлаштирилган асарлар АҚШ Конгресси кутубхонаси ва ЮНЕСКО ҳамкорликда йўлга қўйган Бутунжаҳон рақамли кутубхонасидан ўрин олади.



Америкаликлар орасида энг таниқли технологик бренд Google, кейинги ўринларда Apple ва Facebook жойлашган, Twitter этакчи уликка кира олмайди — булар Langer Research Associates тадқиқотлар компанияси ўтказган сўровнома натижалари.

Яна аниқланишича Google ва Apple даромади юқори ва 30 ёшгача бўлган фойдаланувчилар орасида кўпроқ омалашган. Шунингдек, коллеж битирувчилари ва олий маълумотта эга бўлмаганлар орасида ҳам бу икки брендининг обрўси баланд.

Facebookдан 30 ёшгача бўлганлар ва эркакларга қараганда (53 фоиз) аёллар (63 фоиз) кенг фойдаланиши маълум бўлди.

BlackBerry — ЭНГ ИШОНЧЛИ

Канаданинг Research in Motion (RIM) компанияси энг ишончли мобил амалиёт тизими таъминотчиси мақомини сақлаб турибди (Enterprise Readiness of Consumer Mobile Platforms ҳисоботи). Компаниянинг BlackBerry амалиёт тизими этакчи мобил тизимлар — Windows Phone, iOS ва Android орасида этакчилик қилмоқда.

Маъмур рейтингни тузишда бир нечта асосий омиллар, жумладан, платформа-сининг умумий ҳафсизлиги, иловалар ҳафсизлиги, код-ни имзолаш имконияти, аутентификация усуллари, маълумотларни масофадан ўчириш имконияти, виртуаллаштириш ва тармоқли филтрлаш воситаларининг мавжудлиги кабилар инобатга олинади ва ҳар бир тоифаси 5 баллик тизимда баҳоланади.

Trend Micro антивирус компанияси томонидан тузилган маъмур рейтингда BlackBerry ҳар бир йўналишда ўртача 2,89 балл, жами 7,0 балл тўплади. Apple iOS — 1,7, Windows Phone 7 — 1,61, Android 2.3 — 1,37 балл тўплаган.

Рейтингни тузишда мобил амалиёт тизимларининг ҳар бири ҳам бирдай ҳақерларнинг эътиборига тушавермаслигига аҳамият берилди. Масалан, ҳозирги пайтда Android кўпроқ ҳам-манинг диққат марказида турган бўлса, оммавийлигини йўқотиб бораётган BlackBerry ва Windows Phone шунга яраша ҳақерларни ҳам камроқ қизиқтириши табиий.

Мобил ва Интернет-банкнинг: Ўзбекистонда унинг фойдаланувчилари қанча?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мобил ва интернет-банкнинг нима?

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши бугунги кунда барчанинг турмуш тарзига ўз таъсирини ўтказмоқда. Йилдан-йилга интернет ва мобил телефон орқали амалга оширилаётган хизмат турлари кўпайиб борапти. Яқин йиллардан бошлаб ушбу хизматлар қаторига мобил ва интернет банкнинг қўшилди.

Интернет-банкнинг — бу мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан, пластик карталарга очилган ҳисобварақларини интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури орқали мижоз масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш имконига эга бўлади. Интернет-банкнинг тизими банкнинг веб-серверига жойлаштирилган бўлади ва фойдаланувчи ушбу тизимга веб-браузер орқали киради. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида ўзига тегишли барча маълумотлар (тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятига эга.

Интернет-банкнинг хизмати орқали мижоз ўз иш жойида ёки уйдан туриб, интернет орқали:

- тўловларни ўтказиш;
- тўлов ўтиши босқичларини кузатиш;
- барча ҳисоботларни олиш каби банк амалиётларидан исталган вақтда фойдалана олади.

Интернет-банкнинг орқали мижоз ўз компютеридан интернет орқали банк сайтига улашиб ўз ҳисоб рақамига тўлаётган пулларни кўриши, пул ўтказмаларини тайёрлаб, банкка узатиши мумкин бўлади.

Мобил-банкнинг тизими ҳам интернет-банкнинг технологияси асосида яратилди.

СМС-банкнинг — бу банк мижозларига уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда пластик карталарга очилган ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида СМС кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварақдан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган СМС-сўровни юбориши кифоя.

Мижоз учун СМС-банкнинг хизмати



куйидаги амалларни бажариш имкониятларини беради:

- ҳисобварақига келиб тушган маблағлар;
- ҳисобварақидан қилинган харajatлар;
- ҳисобварақ баланси;
- кун давомида ўтказилган банк амалиётлари ҳақида тезкор маълумот олиш.

Илк тажриба

Бугунги кунда интернет ва мобил-банкнинг хизматларини кўрсатаётган банклар сони саноқли, албатта. Аммо мамлакатимизда интернет фойдаланувчилари сони тобора ошиб бораётгани банклар олдида ушбу йўналишни ривожлантиришга жиддий киришиш заруратини кўяди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилнинг 26 ноябрдаги қарорига кўра, Ўзбекистондаги барча тижорат банклари 2015 йилга қадар жисмоний ва юридик шахсларга интернет-банкнинг хизматларини кўрсатишни бошлашлари лозим.

Ўзбекистонда интернет-банкнинг 2007 йили пайдо бўлган. Аввало, корпоратив мижозлар учун йўлга қўйилган ушбу хизмат кейинчалик жисмоний шахсларга ҳам кўрсатила бошланди.

Жисмоний шахсларга биринчи бор тўлақонли равишда интернет-банкнинг хизматларини "Samarkand" банки кўрсата бошлади. 2009 йилнинг 1 майида

банк интернет орқали кўрсатиладиган ўзининг янги хизмати — SAM.online ишга туширилганини эълон қилди. Ушбу хизмат орқали бугунги кунда банк мижозлари масофадан туриб мобил ва уй телефони, интернет провайдерлар хизматлари хақи, коммунал тўловларни тўлашлари, интернет-дўконлардан харидларни амалга оширишлари, ҳисобларидаги маблағларни юридик ва жисмоний шахслар ҳисобларига ўтказишлари, банкка молиявий ҳужжатлар жўнатишлари ва ҳисоб бўйича маълумотларни олишлари мумкин.

"Samarkand" банки республикаимизда мобил-банкнинг ҳам биринчи бўлиб жорий этган. 2010 йилнинг 1 мартида йўлга қўйилган хизматдан бугунги кунда кўплаб мижозлар фойдаланиб келмоқда.

Интернет-банкнинг иккинчи бўлиб "Алоқабанк" жорий қилди. Жисмоний шахсларга 2010 йилнинг 1 ноябрдан тақдим этилган ушбу хизмат орқали коммунал тўловлар, UzMobile, UzNET хизматларига тўловларни амалга ошириш, ҳисобдаги маълумотларни кузатиб бориш мумкин.

Мобил-банкнинг интернет-банкнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Бироқ кўпгина банкларимизда унинг тўлиқ шаклидан фойдаланилмайди. Унинг ўрнида ишлатилаётган СМС-банкнинг хизмати мижознинг депозит ҳисоби, шунингдек, банк пластик карталаридаги ҳисобнинг ҳаракати, мик-

дори ҳақида СМС-сўров орқали маълумот олиш имконини беради.

Хавфсизлик масаласи

Глобал тармоқ орқали амалга оширилаётган молиявий амалиётлар, банк хизматлари кўрсатиш жараёнида хавфсизлик масаласи ҳам асосий эътиборда туради. Ҳозирда интернет-банкнинг тизимларида узатилаётган ахборот халқаро криптография форматидан фойдаланган ҳолда шифрлаш йўли билан ҳимояланади. Алоқадор томонлар бунинг учун электрон рақамли имзодан фойдаланишади. Идентификация тизими амалиётни бажараётган тарафларнинг ҳаққонийлиги тасдиқланишини кафолатлайди.

Маълумки, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжатлар қоғозда чоп этилган ва тарафларнинг имзолари ва муҳрлари билан тасдиқланган ҳужжатлар билан бир хил юридик кучга эга.


Хулоса

Бир неча миллионлик интернет фойдаланувчилар миқёсида олиб қаралса, юқоридаги кўрсаткичлар жуда кам. Бироқ мазкур йўналишни ривожлантириш учун банкларимиз томонидан илк қадамлар ташланган. Эндиликда бу қадамларни илдамлаштириш лозим, ҳолок.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Фойдаланувчилар сони


Марказий банк маълумотида кўра, 2011 йилнинг 1 январидан фойдаланувчилар сони 24 545 нафарни ташкил этган бўлса, 2012 йил 1 январидан 56 735 нафарга етди.



Умумий фойдаланувчиларнинг 26 015 нафари интернет-банкнинг ("Банк-Мижоз")дан фойдаланса, 30 720 нафари мобил-банкнинг (СМС-банкнинг)ни амалиётда қўлаб келишмоқда.



СМС-банкнинг ва мобил тизимларида 1000дан ортиқ мижозларга эга бўлган банклар рўйхати эса (2012 йил 1 январь ҳолатига кўра) куйидагича:



ПРОГНОЗИРОВАНИЕ

АТМОСФЕРНОГО ДАВЛЕНИЯ ВОЗДУХА НА ОСНОВЕ ГРАВИТАЦИОННЫХ СИЛ

Зависимость человека от погоды известна с древних времен. С развитием цивилизации зависимость людей от погоды увеличилась. Сложная современная техника и коммуникации весьма чувствительны к неблагоприятной погоде и ее перепадам. Выход их из строя отрицательно сказывается на работе многих предприятий.

Сельское хозяйство также чувствительно к изменениям погоды. Формирование урожая и его сбор в значительной степени зависят от погоды. Во многих странах колебания урожая под влиянием погоды достигают 30%. Потери урожая из-за засушливых условий, излишнего увлажнения, града, заморозков и других явлений могут быть существенно снижены при наличии эффективных прогнозов погоды и правильном их учете.

Погода существенно влияет и на безопасность людей. Тропические циклоны, ураганные ветры, смерчи, град, сильные снегопады, внезапные наводнения наносят не только огромный экономический ущерб, но и уносят человеческие жизни. Ежегодно, в среднем в атмосфере возникает примерно 80 тропических циклонов, под воздействием которых погибает около 20 тысяч человек, а экономический ущерб исчисляется в размере 7 миллиардов долларов.

Потребность в достоверных прогнозах погоды будет увеличиваться по мере развития различных видов транспорта, индустрии, энергетики. Роль погоды как природного ресурса возрастает. Тот, кто сможет точнее предсказывать состояние атмосферы, бу-

дет способен эффективнее использовать этот ресурс для развития экономики, защиты населения и имущества от опасных явлений.

Основой прогноза погоды на несколько дней вперед является предсказание поля атмосферного давления. Правильный его прогноз уже обеспечивает на 60 - 70% успешность прогноза в целом.

В целом, под влиянием внешних факторов на планете формируется климат, называемый астрономическим. Основы теории астрономического климата заложил М.Миланкович. Характерной особенностью астрономического климата является строгая периодичность колебаний климата и его зональность.

Уровень поверхности океанов и морей периодически, приблизительно два раза в течение суток, изменяется. Эти колебания называются приливами и отливами. Они образуются вследствие влияния таких космических тел, как Луна и Солнце. По законам взаимодействия космических тел наша планета и Луна взаимно притягивают друг друга. Лунное притяжение столь велико, что поверхность океана как бы выгибается ему навстречу. По тем же законам приливы и отливы образуются и от

притяжения Солнца и других планет солнечной системы. Но приливообразующая сила Солнца в связи с его удаленностью значительно меньше лунной.

Величина и характер приливов зависят также от географической широты, глубины моря и формы береговой линии. Если в океане вдали от материков величина прилива около 1 м, то у берегов он может достигать очень большого значения. Так, в заливе Фанди наибольшая величина приливов достигает 18 м, в заливе Фробишер на острове Баффина Земля и в некоторых пунктах пролива Ла-Манш — до 15 м, в Пенжинской губе на С.-В. Охотского моря — до 13 м, в Мезенском заливе — до 10 м.

Влияние гравитационных сил имеет место не только на морских просторах. Они воздействуют на любой объект, обладающий массой. В этом контексте, логично предположить, что суточные перепады атмосферного давления воздуха есть следствие влияния этих сил.

На базе Ташкентского университета информационных технологий было проведено исследование в этом направлении. В результате была разработана методика прогнозирования на основе гравитационных сил, которая апробирована на примере атмосферного давления воздуха города Ташкента. Обоснование методики прогнозирования, её алгоритм реализации нашли отражение в научном труде "Моделирование природных процессов на основе гравитационных сил"

МОДЕЛИРОВАНИЕ
ПРИРОДНЫХ
ПРОЦЕССОВ НА ОСНОВЕ
ГРАВИТАЦИОННЫХ СИЛ



(авторы Р.Х. Кадилов, М.М. Мухитдинов, Ф.К. Турсунбаев, М.С. Якубов), выпущенной издательством "Фан" АН РУз в 2011 году. Об эффективности методики прогнозирования можно судить по результатам расчетов прогноза атмосферного давления воздуха в 8-ми срочном разрешении на 2012-2013 годы для города Ташкента, которые приведены в приложении книги.

Основным преимуществом методики является отсутствие процедур экстраполяции. Это позволяет добиться независимости точности прогноза от срока прогнозирования. В настоящее время по данной методике разрабатываются программные продукты по прогнозированию динамики атмосферного давления воздуха для Республики Каракалпакстан и областных центров нашей страны.

Представляет интерес возможность применения этой методики для прогнозирования солнечной активности, землетрясений и других природных процессов, протекающих на Земле.

Наш корр.

● Объявление

НАЦИОНАЛЬНАЯ БИБЛИОТЕКА УЗБЕКИСТАНА ИМ. АЛИШЕРА НАВОИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС НА ЗАМЕЩЕНИЕ ВАКАНТНЫХ ДОЛЖНОСТЕЙ

№	Наименование служб	Число штатных единиц
1.	Служба регистрации пользователей и выдачи литературы	8
2.	Служба читальных залов	20
3.	Служба справочно-информационного обслуживания	7
4.	Служба организации международных связей	2
5.	Служба координации электронных заказов и дистанционной доставки ресурсов	4
6.	Служба вспомогательных фондов читальных залов	3
7.	Служба комплектования информационно-библиотечных фондов	7
8.	Служба каталогизации и систематизации	8
9.	Служба формирования национальных библиографических баз данных	10
10.	Служба рукописей, уникальных и особо ценных изданий	4
11.	Служба хранения специализированных фондов и обязательного экземпляра	6
12.	Служба хранения книжного фонда и периодических изданий	12
13.	Диспетчерская служба	7
14.	Научно-методическая и исследовательская служба	4

Оплата труда: оклад + специальные надбавки до 75% от оклада.

ВНИМАНИЕ!

I. Желающим участвовать в конкурсе требуется сдать до 10 мая 2012 года следующие документы:

- Заявление на имя директора.
- Копии диплома и сертификат о соответствующем образовании (оригинал представляется в день собеседования).
- Личный листок по учёту кадров (анкета).
- Фото 4,5х6 (1 шт.).

II. Документы поступившие на конкурс предварительно рассматриваются рабочей комиссией.

III. Конкурс включает собеседование и будет проходить в Национальной библиотеке Узбекистана.

IV. Сроки проведения конкурса будут уточнены по мере поступления заявлений.

Адрес: г.Ташкент, ул Истиклол.

Ориентир: метро Мустакилик, Маърифат маркази

Телефоны для справок: 239-18-01; 232-83-98; 232-83-89.

АДМИНИСТРАЦИЯ

АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ "УЗБЕКТЕЛЕКОМ"

ПРИГЛАШАЕТ
КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ
СПЕЦИАЛИСТОВ В СЛУЖБУ
ВНУТРЕННЕГО АУДИТА

Требования, предъявляемые к специалистам:

- иметь стаж практической работы (в том числе по совместительству) в сфере бухгалтерского учета, аудита, финансового или налогового контроля не менее двух лет из последних десяти;
- квалификационный сертификат внутреннего Аудитора, выданный Министерством финансов Республики Узбекистан;
- знание программы 1 С бухгалтерии;
- прописка Ташкентская или Ташкентской области.

Желающих вести трудовую деятельность в Службе Внутреннего аудита АК "Узбектелеком" просим представить соответствующие документы до 1 мая 2012 года.

Телефоны для справок:
239-23-55, 234-95-71, 239-23-78.

Xabar+tv

ДУШАНБА — 23 АПРЕЛ



5:55 Қўрсатқув дастури.
6:55 "Ассалом, Ўзбекистон".
7:00 "Олам ва одам" дастури: "Замин паройботлари".
7:15 "Ўқим".
7:20 "Қўнғил қўнғил истайди".
7:30 "Ҳай қўнғил".
8:00 "Абдуот".
8:40-9:45 "Минаннинг" дастури.
9:45 "Ҳаёт қўнғил".
10:00 "Минг бир ривож".
10:05 "Ҳидоят сари".
10:25 "Саломатлик сиратлари".
10:40 "Рағизит дунё".
11:00 "Абдуот".
11:10 "Ўқим".
12:00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12:30 "Қўнғил қўнғил истайди".
13:00 "Ватанпарвар".
13:40 "Тарих қўнғил".
14:00 "Абдуот".
14:15 "Савабга мағдроб".
14:35 "Давоснинг дилқоси".
14:55 "Ўқим".
15:20 "Олам ва одам" дастури: "Қўнғил шаҳар".
16:10 "Эртаслар - яхшиликка етаклар".
16:40 "Никол даре оралиғи".
17:40 "Абдуот".
17:50 "Қирол Сежон" / Т.с.
17:55 "Ўқим".
Банк филиали мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар асосида кичик бизнесни кредитлашга ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борадаги ишлар самарасини бериб, кейинги бир неча йилда банк кредит портфели бир неча маротаба ошди. Бу жараёнда бошланғич капитални шакллантириш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг ижобий самарасини берапти.

Банк айланмасига бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириб бориш мақсадида ҳозирги вақтда филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, шу жумладан, пластик карточкалар ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо нуқталарига савдо терминаллари йўналиш кенгай-

тириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросидан келиб чиққан ҳолда филиал томонидан 550дан зиёд банк миждозлари замонавий тўлов турларидан ҳисобланган, янги турдаги "UZ KART" логотипидаги "ON LINE" пластик карточкалари билан таъминланиб, бу борадаги ишлар босқичмасоқчи жорий этилмоқда.

66 нафар ишчи-ҳодим фаолият кўрсатаётган ушбу филиалда ҳар бир ходим ҳушмуомалиги билан кишининг эътиборини тортади. Айниқса, Бекзод Бобоназаров, Бобур Расулов, Дилором Раззоқова сингари ходимларнинг хизмати муомаласидан одамлар мамнун.

Муҳтасар айтганда, ОАТ "Алоқабанк" Самарқанд филиали жамоаси барча миждозларга банк хизматлари турларини қўпайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Жамоа Мустаҳкам оила йилида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор истиқболли лойиҳалар асосида йил давомида 332 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағларини ҳаётга татбиқ этишни режалаштирмоқда.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист

Жамоа Мустаҳкам оила йилида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор истиқболли лойиҳалар асосида йил давомида 332 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағларини ҳаётга татбиқ этишни режалаштирмоқда.

Амалиёт Термизда

Тошкент ахборот технологиялари университетининг бир гуруҳ битирувчи ёшлари Сурхондарё вилояти алоқа корхоналарида амалиётни ўташмоқда. Бу жараён бакалаврлик илмий даражасини олиш арафасида турган талабалар учун ўзинга хос имтиҳон вазифини бажараётгани билан қимматлидир. Гап шундаки, улар қарийб тўрт йил мобайнида танланган касб сирини асрорларини устоаларидан ўрганишди. Биз мустақил ҳаёт оstonасидаги бўлажак мутахассис кадрлар билан суҳбатлашганимизда камолот бахшида этилган бу вақт эътиборини ушанишга хизмат қилганлигини яққол сездик.

Ана шунда амалдаги Мустаҳкам оила йилининг 16-17 феврал

кунлари пойтахтда бўлиб ўтган "Юксак билимли интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини" мавзусидаги Халқаро конференцияда билдирилган мулоҳазалар беихтиёр ёдга келди. Дарҳақиқат, бу нуфузли анжуманда миллий ва умуминсоний кадрларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илгор технологияларга эга кишиларгина ўз Ватанининг чинакам фидойисига айланиши мумкинлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Не бахтки, ТАТУнинг битирувчи талабалари билан мулоқотимиз давомида шундай улуввор мақсадларга пайвасталик кайфиятини ҳис этдик.

— Мен курсдошим Саъдулла Алимардонов билан Сурхондарё телерадиоканалида амалиёт ўтказяпман, — дейди Ҳамдамжон Аҳмедов. — Мавсумнинг илк кунлари таасуротларга бой бўлмоқда. Биз замонавий ва жаҳон андозалари даражасидаги телерадио техникаларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш йўлларини амалий ўрганияпмиз. Бу борада Рамзиддин Қосимов, Бехзод Шойимқулов каби муҳандислар кўмаги қатта бўляпти. Умид қиламизки, июн ойига қадар давом этадиган амалиёт даври профессионал маҳоратимизни мукамал шакллантиришимизга ёрдам беради.

"Ўздунробита" хоржий корхонаси Сурхондарё филиали ходимлари аҳоли-

нинг уяли алоқа телефони хизматига бўлган талабини қондириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Айниқса, Алишер Эшонов раҳбарлик қилаётган жамоанинг асосан ёш кадрлардан ташкил топгани ҳамда аҳиллиги ТАТУнинг битирувчи талабаси Алишер Арифбоевни мамнун этди. У амалиётни ўташ жараёнида тажрибали ходимлардан сеvimли соҳаси сирларини пухта ўрганишга ҳаракат қилмоқда.

Умуман олганда, ТАТУ талабаларининг Термизда ўтаётган амалиёти олган назарий билимларини бойитишга ижобий таъсир кўрсатапти. Шундай экан, уларнинг келажакда ахборот асри имкониятларини турмушга кенг татбиқ этилаётган етук кадрлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашга ишонамиз.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Кино-телеоператорликда ёритиш



Нарсаларнинг шакли, ранги, ҳажми хис қилиш ва кенглик — буларнинг ҳаммасини англашда ёруғлик бизга ёрдам беради. Кўпгина расомлар ранг тасвирда ёритиш воситалари орқали катта таъсирчанликка эришадилар. Расом расми чизишда ёруғликнинг ҳаётий самараларига қанчалик кўп эътибор берса, ўшанча таъсирчанлик кучига эга бўлади.

Оператор санъати — бу тасвирий санъатнинг энг ёш тури десак бўлади. Нур билан ишлаш оператор учун расомнинг бўёқ билан ишлашидай гап. Расом бўёқ ва чўткаси билан, кино-телеоператор эса, биринчи навбатда, нур ёрдамида ўз мақсадига эришади.

Ёритиш оператор учун бадиий фикрларини баён қилишда бош омил бўлиб хизмат қилади. Кино-телеоператор ўзининг аввалдан ўйлаган ёритиш характери билан белгилаб олади. Ёритиш томошабинга кадрнинг маълум қисмини англашда қўл келади. Томошабин диққатини жалб қилиш учун ёритиш воситаларидан ўринли фойдаланиш лозим.

Расомлар чизган расми томоша қилганимизда ўша асар мазмунини тўлиқ англаб етишимиз учун бизда исталганча вақт ва имконият бўлади. Кадрнинг маълум қисми намойиш этилган вақтда ёритишдан унумли ва мохирлик билан фойдаланган бўлиши зарур. Томошабин кадрни ҳамма деталлари билан қабул қила олиши керак.

Оператор нур билан ишлашни бошлар экан, қандай мазмуний вазифани адо этишни, томошабинда

қандай ҳиссиёт ва фикрларни уйғотмоқчи эканлигини белгилаб олади. Мазмунга тўғри келмайдиган ҳар қандай ортикча нарсани олиб ташлайди. Филмдаги ёки унинг айрим воқеаларидаги ҳаракат куннинг турли вақтида, ёруғ, булутли, кун ботиши ва ҳоказоларда юз бериши мумкин. Бундан ташқари, филмда юз бераётган воқеалар хонада, жамоат жойида, ўрмонда ёки катта шаҳар кўчасида юз бериши ҳам мумкин. Бунақа вақтларда картинада вақт ва ҳаракат бошқача ёритиш воситаларини талаб қилади. Бу вақтда оператор зиммасига катта маҳорат билан ёритиш самарасидан фойдаланиш вазифаси юкланади. Сунъий ёритиш воситаларидан фойдаланиб ҳам ёритишни ташкил этиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси томошабинга ҳам вақтни,



“Кўрғошин” филми бош оператори Абдурахим ИСМОИЛОВ

ҳам ҳаракат жойини англаб етишга ёрдам беради. Лекин, бундан ташқари, оператор картинани чуқур ёритишни талаб қиладиган тартиблардаги вазифани ҳам хал қилади. Бунда фақатгина кун, тонг, хона, кўча деган тушунчаларнинг ўзи камлик қилади. Оператор ёритиш маҳорати билан кадрда юз бераётган воқеаларнинг боришини ва характердаги шахсларнинг изтиробларини ёки аксинча, қувонч ва шодликларини кўрсатиб беради. Биргина окшом вақтини оладиган бўлсак, окшом қоронғу, ёруғ, ойдин бўлиши мумкин. Буни кўрсатиб бериш оператордан маҳорат талаб қилади.

Кино-телеоператор мазмунинга қараб филм ёки кичик кўрсатувни тасвирга олишга киришар экан бўлғуси картинанинг ўзи истагандай ёритилишини кўз олдига келтириб иш бошлайди.

Мисол учун, “Кўрғошин” филмида воқеалар хотира майдонидаги панорамадан бошланади ва кундузги, тунги аниқ раван фактурали портретлардан сўнг оқ-қора кадрларга ўзгариб воқе-

алар давом этади. Ҳар бир портретда филм қаҳрамонларининг кўзларидаги ёруғлик, юзларидаги фактура, табиийлик, тунда автомобил йўлларининг ва деталларнинг фактураси (табиийлиги) мохирлик билан ёритилган. Тонал ёруғлик бош қаҳрамон Умар Қодиров шифокор билан учрашганда ва акаси ишлов берилган ерларни кўрсатган кадрларда мохирлик билан ишлатилган. Филмдаги панорама, фокуснинг ўзгариши, ёруғликнинг усталик билан ишлатилиши оператор маҳорати билан ишланган кадр ичидаги ишидир. Бу филмдаги ҳар бир кадр яқунланган композиция бўлиб, томошабин филм воқеаларига берилиб кетади ва хотирасида сақланади.

Бу филм орқали ёш операторлар, махсус ёритувчилар, айниқса, биз талабалар операторлик маҳоратини ўрганиб, кўп самараларга эришишимиз мумкин.

О.АБДУРАҲМОНОВ,
TATU кино-телеоператор
йўналиши 3-босқич талабаси

Оператор ёритиш маҳорати билан кадрда юз бераётган воқеаларнинг боришини ва характердаги шахсларнинг изтиробларини ёки аксинча, қувонч ва шодликларини кўрсатиб беради.

Рақамли радиореле тизимлари

Бугунги кун ҳолати ва ривожланиш истиқболлари

Радиореле тармоқлари кабел тармоқлари сингари ахборотни узоқ масофаларга узатишнинг асосий усулларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда рақамли тизим қўлланилиши сабабли радиореле тизимларнинг техник воситаларида катта ўзгариш рўй берди.

Юкори тезликдаги рақамли оқимларни узатишда асосан оптик толали алоқа линиялари қўлланилади. Аммо радиореле тизимларининг ҳам бир қанча қулайликлари мавжуд. Масалан, ўтиш қийин бўлган жойларда радиореле жуда қулай ва унинг тизимларини қўриқлаш талаб қилинмайди.

Радиореле линиялари асосан уч тоифада бўлади ва узатилиши бўйича қуйидаги частота диапазонларига бўлинади:

- (ОРС) бошланғич станциялар;
- (УРС) тармоқли станциялар;
- (ПРС) оралик станциялар.

Кичик линиялар учун 0,39 ГГц дан 40,5 ГГц гача;

Зона ичи линиялари учун 1,85 ГГц дан 15,35 ГГц гача;

Магистрал линиялар учун 3,4 ГГц дан 30 ГГц гача.

Магистрал радиореле тизимлари тўғри кўринадиган йўналишларда 3-30 ГГц тўлқин оралиғида ишлайди. Бу ораликда ишлашнинг афзалликлари шундаки, кенг чизикли оқим учун атмосфера ва корхоналарнинг ҳалақитлари мавжуд эмас.

Камчилиги — фақат тўғри кўринадиган йўналишларда қабул қилиш имконига эга.

Бугунги кунда радиореле линиялари орқали тўртта давлат канали — “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Спорт”, “Тошкент” ва нодавлат телерадиокомпаниялар дастурлари ҳамда тўртта радиоэшитириш каналлари узоқ масофалардаги вилоятларнинг радиотелевизион узатиш марказларига юкори сифатда етказиб берилмоқда.

Радиореле линиялари турли технологиялар ва стандартлар асосида қури-

лади.

Жумладан,
- SDH(Synchronous Digital Hierarchy) — синхрон рақамли иерархия;

- DMR 2000S(Digital Microwave Radio) — рақамли кичик радиостанция
- DMR 5000S (Digital Microwave Radio) — рақамли кичик радиостанция

Бу тармоқ ва қурилмалар Япониянинг NEC компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

2000 техник воситаси NEC компанияси томонидан радиореле тизимларидаги SDH стандартида катта сифмдаги рақамли оқимларни узатиш учун ишлаб чиқилган ва айни пайтда мамлакатлар ва шаҳарлараро магистрал алоқани таъминлаб келмоқда.

Бугунги техника ва технологиялар ривожланиб бораётган бир даврда 5000 рақамли кичик радиостанцияни ҳам эксплуатация қилиш бошлаб юборилган. Албатта, 2000дан 5000нинг афзалликлари кўпроқ.



Биринчидан, 5000 қулай 10 ўзакли ҳажми кичик ва совуттич қурилмаси ҳам ҳар бир блокнинг ичида жойлашган. Оптик толали интерфейс кириши ҳам бор. Ўтказиш қобилияти ҳам ҳар бир тизим бўйича алоҳида тезликка эга. Бошқариш тизими орқали исталган станциядан исталган қурилманинг иш жараёнини белгиланган дастур орқали кузатиш ва бошқариш мумкин.

Миразиз МАҲКАМОВ,
TATU 1-босқич магистранти

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ
БЎШ ИШ ЛАВОЗИМЛАРИГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Тузилма номи	Шт. бира. сон
1.	Фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш ва адабиётларни бериш хизмати	8
2.	Ўқиш заллари хизмати	20
3.	Маълумотнома-ахборот хизматлари кўрсатиш хизмати	7
4.	Халқаро алоқаларни ташкил этиш хизмати	2
5.	Электрон буюртмаларни мувофиқлаштириш ва ресурсларни масофага етказиб бериш хизмати	4
6.	Ўқув залларининг ёрдამчи фондлари хизмати	3
7.	Ахборот-кутубхона фондларини комплекшлаш хизмати	7
8.	Каталоглаштириш ва туркумлаштириш хизмати	8
9.	Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизмати	10
10.	Кўлэмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати	4
11.	Ихтисослаштирилган фондларни ва мажбурий нусхани сақлаш хизмати	6
12.	Китоб фондини ва даврий нашрларни сақлаш хизмати	12
13.	Диспетчерлик хизмати	7
14.	Илмий-методик ва тадқиқот хизмати	4

Иш ҳақи: асосий иш ҳақи + лавозим масаладан 75 фоиз мақдоридаги махсус устама ҳақ.

ДИҚҚАТ!

I. Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни 2012 йил 10 майга қадар топширишлари талаб этилади:

а) директор номига ариза;
б) маълумоти ҳақидаги диплом ва сертификат нусхаси (асли суҳбатлашув кунни тақдим этилади);
в) кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (анкета);
г) 1 дона 4,5х6 ўлчамли фотосурат.

II. Танловга тушган барча ҳужжатлар оддиндан ишчи комиссия томонидан кўриб чиқилади.

III. Комиссия билан суҳбатлашув Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилади.

IV. Танловни ўтказиш муддати аризалар келиб тушишига қараб белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Итиқлол кўчаси.

Мўлжал: "Мустақиллик" метроси, Маърифат маркази.

Маълумот учун телефонлар: 239-18-01; 232-83-98; 232-83-89.

МАЪМУРИЯТ

ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА МАЛАКАЛИ АУДИТОР
МУТАХАССИСЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мутахассисларга қўйиладиган талаблар:


- иш стажи охириги ўн йилининг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ нозорати соҳасида амалий (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) иш стажига эга бўлиши;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган ички аудиторнинг малака сертификати эга бўлиши;
- шу ихтисослик бўйича олий маълумотга эга бўлиши;
- 1С Бухгалтерия дастурини билиши;
- Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидан рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Компания Ички аудит хизмати сафида фаолият юритиш истагида бўлган мутахассисларни 2012 йил 1 майгача тегишли ҳужжатларни тақдим этишларини сўраймиз.

Маълумот учун телефонлар:

239-23-55, 234-95-71, 239-23-78.

"Ўздонмахсулот" АКга қарашли
"ТОШКЕНТДОНМАХСУЛОТЛАРИ" ОАЖ
балиқ учун тўла рационли омухта ем ишлаб чиқариб,
мижозларга сотишни маълум қилади. Тўлов пул
ўтказиш ёки нақд пул тўлаш орқали амалга оширилади.



Мурожаат учун телефон: 289-50-60.

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Муниса Ачилова номига 2009 йилда берилган 32217-рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси 224-ЭАТС кавшарловчиси Бухарбай КАДИРИМБЕТОВНИ 50 ёши билан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандларининг бахту камолини кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Андижон филиали Пойтуғ телекоммуникациялар боғламаси ҳамда қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Пойтуғ ТТ электромонтёри Ғанишер МАМАДАЛИЕВНИ 50 ёши билан кутлайди. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, хонадонига файзу барака тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси филиал ходими Абдумалик МИР-ЗАЁҚУБОВНИ 60 ёши, Тошлоқ телекоммуникациялар боғламаси ходими Абдувоҳид МАМАТҚУЛОВНИ 55 баҳори, Қўқон телекоммуникациялар боғламаси ходими Хусанжон АТАБОЕВНИ 50 баҳори билан чин кўнгилдан табриклайди. Уларга энг эзгу тилакларини изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Марғилон почта алоқаси тармови ходими Мухторжон ҚОСИМОВНИ 60 ёшини қарши олгани билан самимий табриклайди. Унга зиёда умр, фарзандлар роҳатини кўришликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали жамоаси филиал бўлим бошлиғи Роза ЮСУПОВАНИ 55 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни тўғрисида низомнинг 49-банди асосан "ILYOS-NET-SERVIS" масъулияти тизимининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003039 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 13 апрелдан тугатилди.



Шунингдек, Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатиши такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг 2012 йил 7 апрелдаги 82-йиғилиш баёнининг 6.1-бандига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан: "ТУРАН-МЕДИА" хусусий фирмасининг (Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002314 рақамли;

"Нурота телевиденияси"нинг (Навоий вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002687 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 17 апрелдан тугатилди.



Янги умидлар баҳори

Навоий шаҳридаги Спорт коллежиди "Умид нихоллари-2012" спорт мусобақалари Матбуот маркази иш бошлади. Вилоят хокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган дастлабки матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Жаҳонгир Мусаев, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси спорт бўлими бошлиғи Акмал Бабоновлар иштирок этиб, "Умид нихоллари-2012" мусобақаларини Навоий шаҳрида ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда тайёргарлик ишларидан кўпчилигини хабардор қилиш имкониятига эга бўлган "Умид нихоллари-2012" веб-сайтининг ташкил этилганлиги, уни материаллар билан бойитиш масалалари хусусида батафсил ахборот берилди.

Жорий йилда умумтаълим мактаблари ўқувчи ёшлари ўртасида "Умид нихоллари-2012" республика спорт мусобақалари финал босқичининг Навоий вилоятида ўтказилиши, айниқса, бундай нуфузли мусобақаларнинг вилоятимизда биринчи бор ўтказилиши навоийликларга ифтихор бағишlash билан бир қаторда, катта масъулият ҳам юклаши табиий.

Матбуот анжумани иштирокчилари ўзларини кизиктирган барча маълумотларга эга бўлдилар. Шунингдек, спорт мусобақалари ўтказиладиган шаҳардаги барча спорт иншоотлари бўйлаб саёҳат уюштирилди.

— Мусобақалар асосан Навоий шаҳрида бўлиб ўтади, мазкур спорт баҳсларида мамлакатимиздаги 16 ёшгача бўлган ўқувчилар иштирок этиб, улар спортнинг 12 тури (баскетбол, волейбол, қўл тўпи, белбоғли кураш, бадий гимнастика, енгил атлетика, кураш, сузши, спорт гимнастикаси, стол теннис, футбол, шахмат) бўйича беллашади, — дея журналистларга маълумот берди Марказий штаб бошлиғи ўринбосари Собиржон Хайдаров. — Мусобақаларда ҳар бир вилоятдан 137 нафардан спортчи-мураб-



Мусобақаларни оммавий ахборот воситаларида ёритишни тезкор ташкил этиш мақсадида "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали томонидан телефон ва интернет хизматлари йўлга қўйилган.

бийлар, ҳакамлардан иборат жамоа, жами республика бўйича 1623 нафар спортчи-мураббийлар ва ҳакамлар, делегация таркиби, оммавий ахборот воситалари ходимлари, машғала олиб келувчилар, бадий гуруҳлар ҳамда меҳмонлар келиши кутилмоқда.

Ушбу мусобақаларнинг энг асосий объектида, яъни Навоий шаҳрида 10 мингдан зиёд ўриqli замонавий марказий стадион қурилиши олиб борилмоқда.

Бу ерда ёшлар мусобақаларининг бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва енгил атлетика турлари бўйича беллашадилар.

Нафақат вилоят, балки республика миқёсидаги турли спорт беллашувларини ўтказишга бир неча бор мезбонлик қилган Навоий кон-металлургия компанияга қарашли Спорт саройида эса "Умид нихоллари-2012" мусобақаларини ўтказишга тайёргарлик нихоясига етай деб қолган.

— Германиядан келтирилган баскетбол шиглари, янгиланган ўриндиклар, арена тайёр, — дейди Спорт саройи директори вази-фасини бажарувчи Равил Усмонов. — Бундан ташқари, шахмат мусобақалари ҳам бизнинг саройимизда ўтади. Бунга ҳам тайёримиз. Фақат "Делфин" сузиш хавзасини қайтадан реконструкция қилганимиз учун иш бир оз чўзилиб кетди. Қурувчилар ҳозир 3 сменада ишлаяпти. Нафақат сузувчилар, балки томошабинлар учун ҳам яхши шароитлар яратилапти. Барча стандартларга жавоб берадиган 8 йўлли сув хавзасини таъмирлаш учун Навоий кон-металлургия комбинатининг 1,7 миллиард сўм маблағи йўналтирилди. Ободонлаштириш ишларини ҳам жадаллаштирганмиз. Бунда уй-жой коммунал бошқармасининг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Шунингдек, шаҳардаги мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотларидан кураш турларига ихтисослаштирилган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳамма нарса деярли тайёр. Мусобақаларни оммавий ахборот воситаларида ёритишни тезкор ташкил этиш мақсадида "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали томонидан телефон ва интернет хизматлари йўлга қўйилган. Бу ерда миллий кураш ҳамда белбоғли кураш бўйича беллашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Навоий Давлат педагогика институти хузуридаги 3-академик лицейда эса мусобақаларнинг волейбол тури синовлари ўтказилишига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Йилриқ саноат корхоналаридан бири саналган "Навоийазот" очик акциядорлик жамиятининг "Кимёгар" стадиони футбол ишқибозлари ва қўл тўпи мухлисларига мезбонлик қилади. Спорт коллежиди стол теннис мусобақалари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, охириги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Янги умидлар баҳорини бошлаб келган бу йилги баҳор гўзал ва бетакрор шахримизда ўзгача чирой очмоқда.

Маруза ҲОСИЛОВА

"MUSTANKAM OILA YILI DAVLAT DASTURI" AMALDA Ёшлар гиёҳвандликка қарши

Жорий йилнинг 13 апрел куни А.Қодирий номидаги Навоий вилояти ахборот-кутубхона марказида "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" ижроси юзасидан "Ёшлар гиёҳвандликка қарши" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини АКМ директори Р.Ражабов очиб, "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" ҳақида гапирди. Вилоят Адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот бўлими мудири А.Жўраевнинг "Ёш умрининг хазон қилма", Репродуктив саломатлик маркази шифокори М.Нажимовнинг "Наслимизни гиёҳвандликдан асрайлик" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Маърузачилар Навоий Давлат педагогика институти хузуридаги 1-академик лицей ҳамда 16-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг саволларига батафсил жавоб беришди.

М.САФАРОВА,

Навоий АКМ ҳуқуқий-ахборот сектори мудири

Оилада аёлнинг ўрни

Мустаҳкам оила йили муносабати билан 16 апрел куни Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона марказида "Оилада аёлнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ахборот-кутубхона маркази хотин-қизлар кўмитаси раиси Г.Мирбаратова ва касаба уюшмаси кўмитаси раиси Д.Қамолитдиновлар сўзга чиқдилар. Суҳбатда ёш қизларга, келинларга маслаҳатлар берилди. Аёл — она, опа, сингил, вафоли ёр, заҳматқаш фидойи ходим, ишончли сирдош. Барчаси бир аёл сиймосида жамланиши лозимлигини тушунтириб ўтдилар. Давра суҳбатида АКМ аёллари ва талаба қизлар иштирок этишди.

Д. ҚАМОЛИДИНОВА,
Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона маркази сектор мудири

КаDaТа дастури тақдимоти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизиди ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2011 йил 23 февралдаги қарорини бажариш юзасидан АКМ ва АРМларда олиб борилаётган ишлар юзасидан А.Қодирий номидаги Навоий вилояти ахборот-кутубхона марказида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинарни АКМ директори ўринбосари Ш.Бакоева очиб, электрон кутубхоналар яратиш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, 2012 йилда ва 2015 йилгача босқичма-босқич ахборот-кутубхоналарнинг интеграллашган кутубхона тармоғига уланиши юзасидан АРМларда қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Маълумки, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун, албатта, дастурий таъминот бўлиши зарур. Шу мақсадда семинар-тренингда ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази техник кўмак бўлими мутахассиси Дилором Абдуразоқова иштирок этди ва марказ томонидан ишлаб чиқилган "KaDaTa" дастурий таъминотнинг тақдимотини слайдлар ёрдамида намойиш этди ва унинг афзалликларига алоҳида тўхталиб ўтди. Шаҳар халқ таълими тасарруфидидаги АРМ раҳбари Х.Ўринова ушбу дастурни АРМ фаолиятида қўллаётганлиги ва унинг истикболли дастур эканлигини мисоллар ёрдамида таъкидлади. Тақдимотда ҳар бир иштирокчи 100 соатлик фойдаланиш имтиёзи билан "KaDaTa" дастури демо-версияси тақдим этилди.

Жамила БОБОМУРОДОВА,
АКМ илмий-услубий бўлими мудири

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси меҳнат фахрийси Раис Шарафутдиновга ўғли

Рафик ШАРАФУТДИНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Олтиариқ телекоммуникациялар боғламаси ходими Рўздатжон Комиллова волидан мухтарамаси

Улфатжон КОМИЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АК Андижон филиали жамоаси тармоқини ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўлими етакчи мутахассиси

Сонижон АЛИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда китоб сотиб олиш ва уни мутолаа қилишнинг даври ўтмадимикан? Китоб тўплаш, яъни библиофил бўлиш, ноёб нашрлардан иборат бўлган ўз шахсий кутубхонасига эга бўлиш-чи? Ҳолбуки, бундан атиги 10-15 йиллар олдин 3-4 мингта китобга эга бўлган шахсий кутубхона сохибига ҳамма ҳавас билан қарарди.

Бугун давр ўзгарди. Янги аср бўлгани ахборот технологиялари катори кутубхона ҳаётини, маъномазмунини ҳам жиддий ислоҳ қилди. Адабий тилимизда электрон кутубхона, ахборот-ресурс маркази, электрон китоб, электрон дарслик, электрон ўқув қўлланмаси, электрон версия сингари атамалар пайдо бўлди. Нафақат пайдо бўлди, улар кундан-кунга тилимиздаги фаол сўзларга айланиб бормоқда. Ахборот-ресурс марказларида, интернетда электрон китобхонлик таомилга кириб бормоқда.

Хўш, бунинг нимаси ёмон? Гап шундаки, биз китобхонлиқнинг, китоб мутолаасининг янги, биз аввал кўрмаган ва тасаввур қилмаган шаклу шамойилнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Китоб ва унинг электрон нусхалари ўртасида ўзига хос рақобат пайдо бўлаёттир. Қайси бири қулай: анъанавий китобларми ёки чўнтагимизнинг бир чеккасига осонгина жой бўлиб кетадиган электрон китобларми? Тагин бу мўъжаз электрон китобча ичига 5-6 минг китобнинг сиғиб кетишини тасаввур қилиб кўринг!

Лекин, ҳар ҳолда, китоб инсоният эришган ютуқларнинг энг юксак чўққиларидан бири, маданий тараққиётнинг гултожи эканини ҳам ҳеч ким инкор эта олмайди. Минг йиллар давомида ёзма нутқни муваффақиятли амалга ошириш учун не-не воситалардан фойдаланилмаган дейсиз! Фор деворларига, тошларга, қояларга, дарахт пўстлоқларига, ҳайвон териларига туширилган битикларни кўз олдимизга келтирайлик. Дастлабки ёзма ёдгорликлардан бири — "Авесто"нинг ўн икки минг ҳўкиз терисига олтин суви билан битилганини эсланг. Булар китоб яратиш, китоб деб аталган мўъжизани кашф этиш йўлидаги изланишлар эди. Шу маънода қозоннинг кашф этилиши улкан маданий инқилоб бўлган десак ёлми муболаға бўлмайди. Устоз Озод Шарафиддиновнинг инсоният яратган барча мўъжизалар ичидаги энг биринчи мўъжиза бу — китоб деган сўзлари ҳам айни шу ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди бизнингча.

Матбаачилик ривожлана боргани

Анъанавий китобхонлик



сайин нашр маданияти, китобатчилик маданияти, китоб дизайни деган тушунчалар юзага келди. Яъни китобнинг ички маънавий оламигина эмас, ташқи безаклари, кўриниши, шаклу шамойили ҳам эстетик меъёрларга жавоб бериши талаб этиладиган бўлди. Сўз санъати воситаларини тасвирий санъат, халқ амалий санъати билан уйғунлаштириш эҳтиёжи шаклланди. Зеро, бу табиий ҳам эди. Инсон тафаккури, бадиий-эстетик олами, чексиз ва сирли тахайюл дунёси махсули бўлган китобга мавзун либос ҳам зарур эди.

Китоб илм-маърифат эгалари томонидан барча даврларда қадрланган. Александр Македонский тарихини ёзган Плутархнинг ҳикоя қилишича, истилоқларидан бирида қайсидир шохнинг ҳазинасидан қимматбахо тошлар билан ишлов берилган ниҳоятда гўзал бир қутичани топиб келтиришди. Александр қутичани томоша қилиб, лол қолади. Қутичада уни ясаган устанинг юксак диди, салоҳи-

яти, беназир маҳорати намоён бўлади. Санъат намунаси бўлган бу ноёб қутичадан кўз узмай туриб, саркарда аёнларига шундай савол билан муурожаат қилади. Қутича шубҳасиз бетакор санъат асари. Уни асраб-авайламоқ, қадрига етмоқ лозим. Бироқ унинг ичида нимани сақласа мақсадта мувофиқ бўлур эди? Савол ҳаммани ўйлантдириб қўяди. Қимматбахо тошлар, нафис заргарлик буюмлари, устози Арастудан келган мактубларни сақлаш лозим дегувчилар топилади. Бироқ бу жавобларнинг бирортаси ҳам саркардани қониқтирмайди. Ўйлай-ўйлай бир қарорга келади: унда фақат бир нарсани сақлаш ўринлидир. У ҳам бўлса — "Илиада"! Муаррихнинг ёзишича, Александр Македонский узок йиллар давом этган ҳарбий юришларида ана шу қутичада "Илиада"ни олиб юрган ва бўш вақт топди дегунча қалбида фахр-ғурур туйғуларини уйғотувчи бу дostonни мутолаа қилган экан.

Китоб ҳақидаги бу каби ибратомуз лавҳаларни ўқиб туриб, тақдиримизга шукроналар айтаман. Тақдир мени китоб ўқишни қисмат деб билган улкан истевод эгаларига рўпара қилди. Нафақат китоб ўқиш, балки китоб ёзиш, китоблар тўғрисида ҳикоя қилишга иштиёқи баланд кишиларни, китоб тарғиботини ҳаётининг мазмуни деб билладиган инсонларни учраштирди. Биз ёшларга тил ва адабиёт илмидан сабоқ берган устоз Озод Шарафиддинов,

Умарали Норматов, Норбой Худойбергенов, Бегали Қосимов, Баҳодир Ғуломов, Омонулла Мадаев, Ермат Тожиев, Карим Назаровлар ана шундай "китобхўрликларни" билан меҳримизни қозонишди. Айниқса, Озод ака учун китоб

нон-туз каби ардоқли, сеvimли ва азиз эди. Республикаимизнинг турли вилоятларидан, олис туманлардан келган шогирдлари билан суҳбатлаша туриб, чекка жойлардаги китоб дўконларида у ёки бу адабнинг қайси асарни сотилаётганини сўраб-суриштирар, имкони бўлса сотиб олиш чораларини қидирарди. Устознинг синчков назаридан рус тилида чоп этилган нашрлар, хорижий тиллардан рус тилига ўғирилган ноёб нашрлар ҳам асло четда қолмасди.

Яна бир устозим — Ботирхон Акрамов ҳам умр бўйи китобга бўлган иштиёқини сусайтирмади. Бу олижаноб зот билан китоб дўконларини кўп марта бирга айланганмиз, хилма-хил китоблар харид қилганмиз. Дўконда камёб китоблар кўплиги маълум бўлса, ўйланиб ўтирмай чўнтағидати бор маблагини сарфлаб юборадиган фельлари бор эди. "Опангиздан бекитиб юрган озгина пулим бор эди, келинг, шунга ҳам китоб олақолайлик, тирикчилик бир гап бўлар!" дегувчи эди.

Китобга ўчлик, шубҳасиз, биз шогирдларга ҳам юққан эди, албатта. Бирор ноёб нашрни кўриб қолсак, битта сотиб олгимиз келмас, кўз олдимизга устозимиз ёки кадрдон дўстимиз келар, уларга ҳам илيني, хатто баъзан 5-6тадан сотиб оладиган бўлдик. Менинг назаримда, китобдан аълороқ, қимматлироқ совға бўлмас керак. Негаки, ҳар қандай совға кўп ўтмасдан эскиради, тез ўзгарувчи инсон диди талабларига жавоб бермай қолади. Китоб ноёб бўлса, ҳеч қачон эскирмайди, чунки унинг роялари яшовчан бўлади.

Талабаларга сабоқ берар эканман, мени доимо бир нарса ташвишга солади: ёшлар қалбида китоб деб аталган мўъжизага қандай қилиб меҳр-муҳаббат уйғотиш мумкин? Муқоваланган, хали нашриёт бўёғининг хиди кетмаган саҳифалар ичидаги сирли ҳаётни, ёзувчининг тирик нафасини, адабий қахрамонларнинг қалб титроқларини тинглашга ўрганармикан бугунги ёшлар? Адабий тилимиздаги мафтункорликни, гўзалликни, олмос доналари янглив ранг-барангликни бадиий асардан ҳам орттириб кўз-кўз қила оладиган яна қандай восита бор?

Мутолаа — инсон зотига берилган бебаҳо неъмат, шундай эмасми?

Набижон СОЛИЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали доценти

**"Xabar" газетасида
реклама ва эълонлар қабул қилинади**

Тел.: 288-40-72, 288-40-69

E-mail: info@xabar.uz

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадхон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёкор шохўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Набатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.</p>											
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтаининг жума кунини чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-452 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ, Адади: 16281 нуска.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>									
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <table border="0"> <tr> <td>Андижонда 226-47-80</td> <td>Бухорода 223-27-85</td> <td>Гулистонда 40-12-19</td> <td>Жиззахда 226-06-34</td> <td>Навоида 225-91-10</td> <td>Наманганда 232-97-86</td> <td>Нукусда 554-35-45</td> <td>Самарқандда 233-61-81</td> <td>Термизда 224-06-12</td> <td>Тошкентда 288-40-66</td> <td>Урганчда 226-37-16</td> <td>Фарғонада 224-91-56</td> <td>Қаршида 314-08-99</td> </tr> </table>	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоида 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 314-08-99
Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоида 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 314-08-99	